

# Намозда сажда қилган вақтда муҳим бўлган нукталар | Ҳадис дарслари (319-дарс)

**Ҳадис**  
ДАРСЛАРИ

**319-ДАРС**

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Ҳадис ва ҳаёт» туркум китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат қилиш тавсия этилади.

19:00 / 26.02.2025 3390

???? ?????????? ?????? ?????? ??????? ? ????

????????????? ??????? ?????? ??????????? ?????????????? ??????:

?????????? ?????? ??????????? ?????? ??????????? ??????????:

?????? ?????????????????? ?????????????? ?????????????? ???????

????????????? ?????????????????????? ??????????????????????????????

????????????????? ?????????????????????? ??????? ??????????????

????????????????? ??????????????????. ?????????? ??????????????????

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Етти аъзо билан сажда қилишга амр қилиндим. Пешона билан, - деб, қўллари билан бурунларига ишора қилдилар. - Икки қўл, икки тизза ва икки оёқнинг учлари билан. Ва кийим ва сочни йиғиштирмаслигимизга», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Демак, инсон намозда сажда қилган вақтда мазкур аъзолар ерга тегиб туриши лозим. Бунга алоҳида эътибор билан қараш керак. Баъзи вақтларда бош кийими халақит бериб, пешона ерга тегмай қоладиган ҳоллар бўлади. Шунга ўхшаб, бурун ва оёқларнинг учи ҳам кўтарилиб қолиш ҳоллари кўп учрайди. Бу ҳадиси шарифни ўқиганимиздан кейин Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни шунга амр қилганини тушуниб етиб, унга эътиборли бўлишимиз лозим.

Шу билан бирга, кийим ва сочни намознинг ичида йиғиштириш, тўғрилаш макруҳ эканлигини ҳам тўла тушуниб етмоғимиз керак. Уламолар «Аввал йиғиштириб олиб, кейин намоз бошлаш ҳам макруҳ», деганлар. Мисол учун, енг ва почаларни шимариб олиш каби ишлар шулар жумласидандир. Чунки ибодат қилганда ҳамма аъзолар, ҳатто кийимнинг енг ва почалари ҳам том маънода иштирок этиши керак.

????????? ??????: ?????? ?????????????? ??????? ??????

????????? ?????????????? ?????????????????? ??????????????????

?????? ?????????????????? ?????????????????? ??????????? ??????????:

????????????????????? ?????????????????????? ??????????????????

????????????????????? ?????????? ?????????????????? ??????????????

????????? ?????????????? ?????????????? ???????

????????????????????? ?????????????? ?????????????? ??????????

????????? ??????? ?????????????????????????? ?????????????? ?????? ???

????????? ?????????? ????????. ??????? ??? ??????????????: ???????????

??? ?????????? ??????? ?????????????????? ??????? ??????????????????

?????????? ????????. ??????????? ?????????????????????? ??????????

?????????????????????.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ташаҳҳудни худди Қуръонни ўргатгандек ўргатар эдилар.**

**У зот:**

**«Аттаҳиятул мубарокатус солаватут тоййибату лиллаҳ. Ас-саламу алайка айюҳан набийю ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Ассаламу алайна ва ала ибадиллаҳис солиҳийн. Ашҳаду алла илааҳа иллаллоҳу. (Бир ривоятда «Ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу»ни зиёда қилди.) Ва Ашҳаду анна Муҳаммадар Росулulloҳ», дер эдилар».**

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

**Шарҳ:** Бу ҳадисга ва бошқа шунга ўхшаш ҳадисларга асосланиб, Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳаблари уламолари намоз охиридаги ташаҳҳуд фарз, деганлар. Ҳанафий мазҳаби уламолари эса вожиб, деганлар.

Ҳадисда ташаҳҳуд муҳим нарса эканлиги айтилмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ташаҳҳудни саҳобаи киромларга худди

Қуръонни ўргатгандек ўргатишлари шуни кўрсатади.

Энди ушбу ривоятда келган ташахҳуд сийғасини таржима қилиб чиқайлик:

«Барокатли табриклар ва покиза салаботлар Аллоҳ учундир. Эй Пайғамбар, сенга салом, Аллоҳнинг раҳмати ва баракаси бўлсин. Бизларга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин. Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор Зот йўқ, деб гувоҳлик бераман. (Бошқа бир ривоятда «У ёлғиздир. Унинг шериги йўқ» деган жумла зиёда қилинган.) Албатта, Муҳаммад Аллоҳнинг Расули, деб гувоҳлик бераман».

Шофеъий мазҳаби ташахҳуднинг ушбу сийғасини олган. Агар ўша мазҳабдаги биродарлар бу сийғани ўқисалар, бошқалар буни ғариб санамасликлари керак.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.***